

ФАРФОНАЛИК ПАРАЛИМПИЯ ЧЕМПИОНЛАРИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Фарфона шаҳрида Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этган ва чемпионлар қаторидан жой олган фарфоналик спортчилар тантанали равиша кутиб олинди.

Вилоятимиз спортчилари Фарфона шаҳрига кириш дарвозасидан "Само" спорт мажмуасигача бўлган масофага кортежда ҳаракатланиб, минглаб спорт муҳислари ва ватандошларимизнинг олқишилари остида кузатиб борилди.

"Само" спорт мажмуасида вилоят ҳокимлиги вакиллари, мураббийлар, спортчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тантанали тадбир ўтказилди. Тантанада вилоят ҳокимининг ўринбосари Шерзод Раҳимов сўзга чиқиб, Паралимпия чемпионларини тарихий ғалаба билан табриклиди.

Франция пойтахти Париж шаҳрида XVII ёзги Паралимпия ўйинларида вилоятимиз спортчилари ҳам фаол иштирок этиб, совриндорлар қаторидан ўрин олдилар. Пара енгил атлетика бўйича F57 классининг найза улоқтириш баҳсларида Ёрқинбек Одилов олтин медалга сазовор бўлди. Пара таэквондо WT бўйича аёллар ўртасида K44 таснифида Зиёдахон Исоқова, пара енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида F46 классида найза улоқтириш дастурида Шахина Йигиталиева кумуш медалини қўлга киритган бўлса, пара енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида F57 классида диск улоқтириш беллашувларида иштирок этган Моҳигул Ҳамдамова эса бронза медалини нақд қилди.

Ўзбекистонлик паралимпия спортчилари ҳам нималарга қодир эканлигини яна бир бор амалда исботлаб, 168 та давлат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақаларда умумжамоа ҳисобида фахрли 13-ўринни қўлга киритишди. Жамоадошларимиз 10 та олтин, 9 та кумуш, 7 та бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Бундай юқори натижага эришилишида фарфоналик 4 нафар спортчиларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Тадбир давомида вилоятимиз вакиллари - паралимпия чемпионларининг ота-оналари, мураббийларига юртимиз байроғини жаҳон узра баланд кўтарадиган мана шундай матонатли ва ватанпарвар фарзандларни тарбиялаганликлари учун алоҳида ташаккур билдирилди.

Тадбирда спортчилар ва уларнинг ота-оналари ҳам сўз олиб, яратиб берилаётган эътибор ва имкониятлар учун Президентимизга ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-09-10 18:41:48